

...ўтган йилнинг биринчи ярмида 10 минг 92 та оилаларнинг никоҳлари бекор қилинган. Аждардиларнинг 70-80 фоизини эр-хотиннинг дунёқараши бир-бирига мос келмаслиги, иқтисодий муаммолар ташкил этган...

Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, болаларни иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Отаси тенги одамни ўлғудай қалтақлаб ўлдирган қотилнинг сўз оҳангида надомидан асар ҳам йўқ эди. ...Бахтиёр Уринов ички иш бўлиги оқибатида турмушини изга сололмади, аламини кекса бир одамдан олди.

4 февраль кўни Эрон биринчи космик марказининг очилиши бўлиб ўтди, дейди IRNA ахборот агентлиги. Эндамилар мамлакат мустакил равишда ўз сунъий йўлдошларини космосга учиратиш шарафига мўъassar бўлади.

Mustaqillik huquq demakdir

ЎЗБЕКНИНГ



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan 2008-yil 7-fevral, № 06 (579)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н.Т.Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида

Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри
2008 йил 4 февраль

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинланган Нигматилла Йўлдошев 1962 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Маълумоти олий, 1985 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Прокуратура соҳасидаги дастлабки иш фаолиятини 1986 йил Олмалик шаҳар прокуратурасида иш ўрганивчиликдан бошлаган. Шундан кейин Юнусobod туман прокуратурасида терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида катта терговчи, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ички ишлар вазирилик идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бошқармаси прокурори, тергов Бош бошқармаси ташкилий-услубий бўлими бошлиғи, ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқни муҳофазат қилувчи ва назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хизматининг прокуратура идоралари фаолияти масалалари бўйича етакчи инспектори лавозимида фаолият кўрсатган. 2006 йилдан Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бошлиғи бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.А.Дусановни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи лавозимига тайинлаш тўғрисида

Зоҳид Абдуқаюмович Дусанов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи лавозимига тайинлансин.


Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри
2008 йил 4 февраль

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи лавозимига тайинланган Зоҳид Дусанов 1976 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Маълумоти олий, 1998 йил Тошкент Давлат юридик институтини, 2005 йил Стратегия таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабни тугатган.

Дастлабки иш фаолиятини 1998 йил Самарқанд вилоят Темирйўл туман прокуратурасида иш ўрганивчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу туман прокуратурасида терговчи, Самарқанд вилоят прокуратураси ташки иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тароҳ ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бўлими катта терговчиси вазифасини бажарувчи, Самарқанд вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлими катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси катта терговчиси лавозимларида ишлаган.

2005-2006 йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими бўлган.

2006 йилдан бошлаб Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган.



Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллиги олдидан

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда сарой хизматчиси оиласида таваллуд топди. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина ўша пайтдаги Хуросон ҳукмдори Шохруҳ Мирзо саройида хизмат қиларди. У ўқимишли киши бўлиб, бадий адабиётга ихлоси баланд эди. Навоийнинг ихтита тоғаси шоир бўлган. Ушбу оилавий асосга кўра ёш Навоийнинг бадий адабиётга жуда эрта кўнгли кўйганлиги ажабланарли ҳол эмас.

Умуминсоний Ғоялар куйчиси

У жуда ёшлик чоғларидан ғазаллар ёза бошлади ва ўз даврининг етук шоири бўлиб етишди. Алишер Навоийнинг замондоши, тарихчи Хондамирнинг ёзишича, машҳур шоир, ҳазрат Лутғий бир кўни ёш Алишердан янги ёзган ғазалларидан ўқиб беришни илтимос қилди. Эндигина 12 ёшга тўлган Алишер куйидаги мисраларини ўқиб беради:

«Оразии ёйқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлақим пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч кўёш.»

Ҳазрат Лутғий бу ажиб ўхшатишдан шунчалар таъсирланадики, «агар иложи бўлганда, ўзимнинг бутун асарларимни шу икки мисрага алмаштирган бўлурдим», деб Алишерни мактаб қўяди. Навоий ғазаллари фалсафий тафаккурнинг дурдоналаридир. Бу ғазалларда чуқур ҳаётий тажриба юксак широна санъат билан омухта бўлиб, боқий гўзалликка айланган.

Алишер Навоий дунёга ўзидан ўттиздан ортиқроқ асарлар қолдирган. Улар орасида «Ҳазойин ул-маоний», «Ҳамса», «Муҳокамат ул-лугатайн» асарлари алоҳида ўрин тутди.

Ўзининг энг аҳамиятли, шоҳ асари бўлмиш «Ҳамса» шарофатидан Навоий дунё адабиётидан ўрин олди. Буюк шоир Алишер Навоий замондошларининг барчаси ўз асарларини форс тилида ёзишар ва ўзбек тили ғазал ёзиш учун муносиб тил эмас, деган фикрда эдилар. Ўзининг «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида Навоий ўзбек тилини замондошларининг ҳужумларидан ҳимоя қилиб чиқди. Шу сабабдан уни ўзбек адабий тилининг асосчиси деб аташди.

Алишер Навоийнинг мактабдош дўсти, теурий шахзодалардан бири бўлмиш Ҳусайн Байқоро ҳокимият тепасига келгач, шоирни муҳрдор лавозимига тайинлади. Теурийлар салтанатида бу жуда катта мансаб эди.

(Давоми 3-бетда).

Наманган вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Алишер ҲУСАИНОВ билан суҳбат

ТАШАББУСКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

— Алишер Абдуваҳобович, одатда янги йил қарши олинганда ўтган даврдаги фаолият сарҳисоб қилиниб, галдаги режалар белгилаб олинади. Шу маънода суҳбатимиз аввалида вилоят прокуратураси томонидан ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили»да амалда оширилган ишларга бир назар ташласак.

— Хабарингиз бор, ўтган йил якунланган паллада «Халқ сўзи» газетасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашидjon Қодировнинг «Инсон манфаатлари йулида» номли таҳлилий қиёсларга эга катта мақоласи чоп этилди. Унда куйидаги жумлалар бор: «...Прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгар-

тиришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди».

Дарҳақиқат, инсон омилига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз ташаббуси билан жиний даромаднинг йил сайин либераллаштириб борилаётгани, прокуратура тизимида ҳам туб ислохотлар юз бераётгани боис одамларда бу органга нисбатан ишонч ҳисси кундан-кунга ортиб бормоқда. Халқ ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси прокуратура эканини тобора теран англаб етмоқда.

Наманган вилояти прокуратураси органлари ҳам ана шу йўналишлар асосида фаолият олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йилда ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

2007 йилда асосий эътиборни «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга қаратди. Афсуски, айрим жойларда ушбу масалага дахлдор мутасадди идоралар қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганликларидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай ўзибуларчиликлар айниқса, вояга етмаган қонунларга, фарзанд қўрган ва икки ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарга нафақалар тўлаш, ўғалар парваришига муҳтож яқка-ёлғизларни тиббий кўриқдан ўтказиш, бепул доридармонлар билан таъминлаш, сингачтоҳларга йўлланмалар бериш каби масалаларда яққол кўринади. Вилотдаги вояга етмаганлар белгиланган муддатларда, тўлиқ ва сифатли тиббий кўриқдан ўтказиб бо-

рилишига панжа орасидан қаралган оқибатида баъзи ҳолларда улар орасида ногиронлик ўз вақтида белгиланмаган. Мисол учун, Чуст туманида 85 нафар, Ўйчи туманида 25 нафар, Косонсой туманида 18 нафар, Янгиқўрғон туманида 17 нафар, вилоят миқёсида 198 нафар болаларнинг мазкур йўналишдаги бузилган ҳуқуқлари прокуратура аралашуви билангина тикланди.

Текиририллар жараёнида 52 нафар туғиш таътилига чиққан аёлларга 2,4 миллион сўм, 21 нафар фарзанд қўрган аёлларга 362,6 миң сўм, 49 нафар икки ёшгача боласи бор оналарга 2,9 миллион сўмлик нафақалар берилмаганлиги аниқланиб, бу ноқонуний ҳолат ҳам бар-тароф этилди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ҳам бугунги кунда

САРҲИСОБ

долзарб аҳамиятта молик масалалардан бири ҳисобланади. Қолаверса, бу «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида ҳам акс эттинди. Мана шу борадаги сарҳисобларга ҳусусида икки оғиз тўғталиб ўтсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам, ишсизлик муаммосини ҳал этиш орқалигина янада юксак фаровонликка эришиш мумкин. Бу масала вилоят прокуратураси органларининг доимий диққат-эътиборида. Ўтган йил давомида шаҳар, туман прокуратуралари ташаббуси билан бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошқа давлат, жамоат ташкилотларини жалб этган ҳолда кўплаб меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Натиждада юзлаб бекор юрган фуқаролар ўз иш ўринларига эга бўлишди.

(Давоми 3-бетда).

Бурчга хиёнат

Инсон учун энг муқаддас жой қаер?!

Албатта, Ватан!

Ватан деганда энг биринчи бўли оиланг кўз олдинга келадди. Ота-онанг, яқинларинг... Қаерда бўлсанг ҳам унга талипнасан, уни согинасан.

Шарқликлар азалдан оилани муқаддас деб билган. Айниқса ўзбеклар наздида бунада аяқлорқок намоён бўлади. Фарзанд оилада тарбия топар экан, одоб-ахлоқ намуналарини ота-онаси сиймосида қуради ва албатта улардек бўлишга ҳаракат қиладди. Бирок оилада тинчлик-тотув-

бир-бирларига қилган хиёнати, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, миграция ва бошқа ҳолатларда юз берган.

Ачинарли томони шундаки, судлар томонидан никоҳни бекор қилиш ҳолатлари ўтган йилнинг биринчи ярмида 2,5 фоизга кўпайган. Айниқса Бухоро, Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятлари, шунингдек Тошкент шаҳрида кўрсаткич юқори. Бундан ташқари, ФХДЭ органлари томонидан ўтган 2007 йилнинг биринчи ярмида 2 миң 818 та оиланинг никоҳлари бекор қилинганлиги ҳам бу борада камчилик

бир назар ташласак. Комиссияга 2006 йилда оилавий келишмовчиликлар сабаб 25 миң 640 та, ўтган 2007 йилнинг биринчи ярмида эса 13 миң 379 та ариза келиб тушган. Бирок ушбу мурожаатларнинг аксарияти тўлиқ кўриб чиқилмаган. Ўтган йили келиб тушган аризаларнинг 24 фоизи ижобий ҳал этилмаган. Ўтган 2007 йилнинг биринчи ярмида 5 миң 892 та аризаларнинг 65,4 фоизи бўйича никоҳни бекор қилиш ҳолатларининг олди олинмаган.

Оилавий зиддиятлар туфайли никоҳни бекор бўлган ва боқувчи-

Инсонга ҳаёт бир марта бериледи. Унда қандай яшаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Эгри ташланган биргина қадам ҳам инсонни эл олдиде шарманда қилиши мумкин. Бунга «Н» қисмдаги озиқ-овқат хизмати бўлимининг бошлиғи Азамат Хайдаровнинг қилимиши мисол бўла олади.

У 2004 йил май ойидан 2006 йилнинг октябрга қадар «Н» қисмининг озиқ-овқат хизмати бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб юрди. Уша йилнинг декабрида Республика Молия вазирлигиндан назоратчи таътишчилар ҳарбий қисмининг молиявий ҳўжалик фаолиятини текширганда Азаматнинг қилмишлари фош бўлиб қолди. У мунтазам равишда ҳўжатларга сохта ёзувлар киритиб, озиқ-овқатларни, чиқим қилиб олинган махсулотларни нақд пулга сотиб, чўнтагига уриб юраверган экан. Терговда кўрсатма беришда, «хизмат сафарига келган майор Ш. Султонов билан яна 2 кишига озиқ-овқат ажратилсин» деган ҳўжатни олган, ундағи ёзувни «Ш. Султонов билан 102 киши»га деб ўзгартиради. Сўнг 100 нафар ҳарбий хизматчи учун олинган озиқ-овқатни нотаиниш кимсаларга нақд пулга сотиб юборди.

Текин луқмадан руҳланган Азамат ҳуффиёна ишини яна давом эттирди. Ҳарбий қисм бўлим бошлиғи Дилмурод Сиддиқназаров Азаматни чақириб: «Муқаддас тақдими қилинган ҳўжатларга нега ўзгартириш киритдингиз», деб сўраган, «Кисмимизга яна хизмат сафари билан ҳарбийлар келаётган экан. Ана шуларни ҳам ҳисобга олдим», дейди. Унинг бу гагига ишонган Д. Сиддиқназаров қисм команди-

рига ҳўжатларни олиб кириб, буйруқ қилтириб беради. Бундан фойдаланган Азамат олинган озиқ-овқатларни сотиб, пулини яна чўнтакка уради.

У кейинги гал «хизмат сафарига келган кичик сержант О. Дадабоевга озиқ-овқат ажратилсин» деган буйруққа ҳам ўзгартириш киритиб, 20 нафар аскарнинг озиқ-овқатини ўзгаларга нақд пулга сотиб юборди.

Терговда ушбу ҳолатларни аниқлаштириш учун ҳарбий қисмининг бир неча бўлим бошлиқлари гувоҳ сифатида жиноят ишига жалб қилинди. Ана шулардан бири Д. Сиддиқназаров эди. У Азамат Хайдаровга ишонган. «Қилаётган барча ишларимни қисм командири майор З. Эркуллова тушунтирмаган», деганидан сўнг ҳақиқатдан ҳам ҳарбий қисмга келган хизматчилар озиқ-овқатсиз қолмасин деб, қисм командирининг буйруқларига ўзгартириш киритдим. Аммо бу ишлардан манфаатдор бўлганман», дейди у афсусланиб. Терговда аниқланишича, А. Хайдаров ҳатто хизмат сафарига бўлмаган кичик сержантлар О. Умаров ва К. Ҳамедов номига ҳам озиқ-овқат олган. У фаолияти давомида 147 нафар ҳарбий хизматчининг озиқ-овқатини «туя қилган».

А. Хайдаров ҳарбий қисмга етказган 13 млн. 35 миң сўмлик зарарни тергов даврида ўз ихтиёри билан тўлади.

Обруни пулга сотиб олиб бўлмайти. Энг ачинарлиси, А. Хайдаров ҳарбий деган юксак номга доғ туширди.

Маҳмуд ЯРМАТОВ,
Республика ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекнинг сўянгани — оила

лик бўлмаса, келажакимиз саналими ёшлар кимга қараб тарбия топади. Ҳозирда айрим оилалар турли хил сабаблар билан бузилди кетаётганлиғи ҳеч кимга сир эмас. Ҳўш, бундай ажралишларнинг сабаб ва илдризи қаерда? Келинг, саволга жавоб беришга ҳаракат қилайлик.

Биргина 2006 йили Республика бўйича 17 миң 802 та, ўтган йилнинг биринчи ярмида эса 10 миң 92 та оилаларнинг никоҳлари бекор қилинган. Сабаблари ўрганилганда, ажралишларнинг 70-80 фоизини эр-хотининг дунёқараш би-бирига мос келмаслиғи, иқтисодий муаммолар ҳамда қайнона келин ўрта-сидағи ўзаро зиддиятлар ташкил этган. Уларнинг 20-30 фоизи

ва муаммолар талайгина эканлигини кўрсатади.

Эътбор қилган бўлсангиз, юқоридағи рақам ва фактлар ҳар қандай инсонни бу тўғрида ҳўжур ўйлалашга мажбур қиладди. Шундай экан, бу борада қаерда камчиликларга йўл қўйилаётти?

Биламизки, маҳалланинг таъсири бола тарбиясида муҳим ўрин тутеди. Биргина Ўзбекистон Оксоқоллар Кенгашининг «Маҳалла» жағмармаси ҳўмиёлар кенгаши олиб борган охириги 3 йилдағи фаолияти бу борада деярли қониқарли эмас. Тафтиш комиссиясида ҳам иш ўзига яраша юритилган.

Шу ўринда ҳудудий маҳалла фуқаролар йиғинидағи «Яраштириш комиссия»си фаолиятига

сини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болаларнинг қаровсиз қолганлиғи ҳўкибатда усмирлар дайдилдик, безорилик йўлига кириб қолишгапти.

Бир болага етти маҳалла отаона бўлади, деган нақлни кўп бор эшитганмиз. Афсуски, кўпчилик бунинг маъносини етарлича англаб етмаётгандек кўринади. Агар мулоҳаза қиладиган бўлсак, маҳалла инсоннинг, айниқса боланинг камолота етишида, жамиётда ўз ўрнини топишда жуда катта аҳамият касб этади. Шундай экан, маҳаллаимизга ҳеч ҳам бефарқ бўлмайлик.

Отбек Қўлдашев,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

«Бўз пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти омборига «ЗИЛ-130» русумли юк машинаси кириб келди. Машинага «Андижон ёғ-мой» акциядорлик жамиятига элтиб бериш учун ҳам ашё — чигит юкланганидан кейин, товаршунос Н. Ҳозиёв товар-транспорт юк хатини расмийлаштириб, имзоларни чектирди. Машина корхонадан чиқиб Андижонга йўл олди. МХХ ва ДСИ ходимлари енгил машинада унинг ортидан кузатиб боришди. Чигит ортилган юк машинаси ярим йўлда... Шаҳрихон туманининг Камолтепа қишлоғига буриди. Кўча бошидағи ҳовли дарвозахонасида ичкарига кириди. Ҳайдовчи ва унинг шериги чигитни ҳовлига тушира бошлашди. Ортларидан кириб борган ҳўқ-тартибдор органлари ходимларининг саволарига жавоб бера олмай, тилларидан тугилишди. Дастлабки тергов ва сурштирув жараёнида чигитни ўғринча ўз ҳовлисига тушираётган юк машинаси ҳайдовчиси Сирожиддин Мўйдинов ва унинг ҳаммаси, сменадоши Мўйдинон Сиддиқовлар

«Ишбилармон»лар фош этилди

чигитни нега юк хатидағи манзилга элтиб бермай, уйларида келтирилганини сўзлаб беришга мажбур бўлишди. Шу тариқа «Бўз пахта тозалаш заводи» ҲХ масъул мансабдор шахс билан тил бириктирган жиний гуруҳ аъзолари аниқланди. Ҳайдовчи Сирожиддин Мўйдинов хонадонига тўқилган ушбу чигитни Акмал Мамажонов ва Абдумўмин Халидов олиб кетишлари лозим эди. А. Халидовнинг хонадони кўздан кечирилганда чигитдан мой ишлаб чиқариш ускуналари — мойҳўвуз, турли сиймили идишлар, 100 килограмм кўлбола усулда тайёрланган ёғ ашёвий далил сифатида олинди. ...Шаҳрихонлик Акмалжон анчадан бун «ўз ишини» болашани

чамалаб юрганди. Косиб огайини Абдумўмин акага «маслаҳат» солди. «Йириқнинг «йириқ» даромади уни ҳам қизиқтириб қўйди. — Мойҳўвони меннинг уйммага ўрнатамиз! — Чигит топсак... — Бўз пахта заводиде танишим бор.

Нурмуҳаммад Ҳозиёв жамиятда турли лавозимларда ишлаган. Айни чоғда товаршунос эди. Акмалжон билан Абдумўминнинг тақлифи унга мойдай ёқиб тушди. «Ишбилармон»ларни чигит билан таъминлаб турини зиммасига олди. Энди ушбу корхонадан чигит ташийдиган Ҳай-



довчиларнинг қўйиниларига кўл солиб кўриш керак эди. Акмалжон таниши, Шаҳрихондағи «37-автокорхона» АЖнинг ҳайдовчиси Сирожиддин «ёғли» ишни тақлиф қилди. Лекин у ўзини тарозиға солди. — Сменадошим Мўйдин ака кўнармикми? — Униям қуруқ қўймайиз. — Бўпти, кўндираман! Шу тариқа уюшган жиний гуруҳ

таркиб топиб, оз-оздан чигит ўмариб, кўлбола пахта ёғини тайёрлаб сотишга киришди. Тез орада ишни йириклаштиришга бел боғлаган «ишбилармон»лар жиноят устида ҳисбга олинди.

Бўз пахта тозалаш заводиде С. Мўйдинов бошқарувиде «ЗИЛ-130» русумли юк машинасиға 6630 килограмм чигит ортилган бўлиб, корхона товаршуноси Н. Ҳозиёв товар-транспорт ҳўжатларига 4640 килограмм юк ортилгани тўғрисида қалбаки ёзув киритди. Уртадағи фарқ — салкам икки миң килограмм чигит кўлбола пахта ёғи тайёрловчи «тадбиркор»ларга сотилиши, ўртадағи фойда арра қилиниши лозим эди. Пахта тозалаш заводиде ўтказилган тафтишда товаршунос моддий жавобгарлиғидеғи 10 миң 637 килограмм чигитни «чап»га пуллаб юборишга улгургани аниқланди. Айбдорларға суд тегишли жазо тайинлади.

Иқромжон АЗИМОВ,
Шаҳрихон туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Қинғир ишнинг...

Собир Наврўзов ва Акрам Турсуновларни ҳамқишлоқлари яхши билишади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам оила бошлиғи, икки учтадан фарзанднинг отаси. Бир куни атрофдағи тадбиркорларға ҳавас қилиб Собир ҳам тадбиркорлик қилишга жазм қиладди. Бирок, у «қиска» йўлдан бориб, тезда бойиб кетиш йўлини танлади. Режаға кўра у улгуржи савдони йўлга қўйиши керак эди. Шу мақсадда Собир дастлабки «ишни» «Саховат чашмаси» МЧЖнинг «Пахтабанк» Янгйбозор бўлимидағи ҳисоб рақамиде пул маблағи борлиғи тўғрисида қалбаки ҳўжат тайёрлаб, Пешку туман ҳокимиятиға тақдим этишдан бошлади. Лекин улгуржи савдони йўлга қўйиш учун пул маблағидан ташқари лицензия олиш зарур эди. Бунинг учун у Янгйбозор қўрғониде жойлашган савдо дўконининг 1998 йил 18 ноябрь кунги мулкага эгаллик қилиш ҳўқуқини берувчи Т. Ҳолов номиде расмийлаштирилган орденинг нусхасини сохташлатириб, унга «Саховат чашмаси» МЧЖ ёзувини киритади ва лицензия олишға эришади. Шундан сўнг, «Саховат чашмаси»нинг ишлари аста-секин йўлга қўйилиб, харидорғир махсулотлар олиб келиб сотила болашадди. Лекин устостом «тадбиркор» савдодан тўшаётган нақд пулни банкка эмас, балки чўнтакка уради.

Бундан ташқари, Собир Наврўзов айни пайтда тумандағи «Чоробод баҳори» МЧЖга ҳам раислик қилиб, бу ерда ҳам бир қанча сохтакорликлар қилган. Масалан, 2006 йил давомида мазкур жамият 457 миң. 789,8 миң сўмлик товар айланмаси ўтказган. Аммо жамиятнинг туман солиқ инспекциясиға топширган ҳисоботларида бу кўрсаткич 369 миң. 718,4 миң сўм, яъни 88 млн. 71,4 миң сўмга кам қилиб кўрсатилади. Жами 2 млн. 407,9 миң сўмлик кўп микдордағи солиқ ва бошқа мажбурй тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди. Шу билан бирға у мазкур жамиятда ҳам 253 млн. 556 миң 600 сўмлик махсулотни нақд пулга сотиб, улардан 36 млн. 156 миң 700 сўмини назорат касса машинасидадан ўтказмайти. 217 млн. 399 миң 900 сўмини банкка топширмасдан ишлатиб юборадди. Собирнинг ҳамтовови Акрам Турсунов эса туман халқ таълими бўлимида омбор мудири вазифасида ишлаб келаётган вақтда, «Чоробод баҳори» МЧЖдан олинган 3 млн. 1000 миң сўмлик чойшаб ва гипофардбанг 1 млн. 862 миң 625 сўмлингни ХТБға қарашли муассасаларға тарқатилди деган сохта ҳўжат топшириб, мол-мулкни талон-торож қиладди.

Шухрат ҲИМАТОВ,
Пешку туман прокуратураси терговчиси

Донишмандларнинг айтишича, инсон ҳаётда икки қувват яъни, ақл ва нафс таъсирида яшар экан. Ақл қалбада гойиб бўлса, инсон машаққатларни енгиб, роҳат-фароғатта эришиши, аксинча нафс балоси устун келса, ҳорлик ва фалокатға йўлиқиши мумкин экан. Эл ғамиде ҳалол меҳнат қилаётган қўпбал юртдошларимиз борки, улар ҳақида кўп ва кўп гапириб мумкин. «Элга берганға ҳудо ҳам беради», нақлиға амал қилган бундай тадбиркорлар муқтозларға ёрдам қўлини чўзмоқда, йўллар, бинолар қуриб, савоб ишлар қилмоқда. Афсуски, тадбиркор никоҳиде юрган баъзи кимсалар ҳам борки, улар толганини ёттиб ейдиган, ўзидан бошқани демайдиганлар қисбланади. Ажабланарлиси шунки, бундай кимсалар пул учун хатто жиноятдан ҳам тап тортмайди.

Нақди дея...

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидағи «Gross Biznes Plus» МЧЖнинг раҳбари Абдураҳим Сотиболдиев худди шундай фаш билан ишларини давом эттириб юрган экан. Сирлари фош бўлган, айбини тан олишдан бошқа илоҳи қолмади. МЧЖ ҳисоб рақамига қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун пул маблағларини кириим қилиб, сўнг ана шу пуларға қурилиш материалларини сотиб олади. Сўнг товарлар 7 млн 250 миң сўмға сотиб юборилди.

Кўпгина тадбиркорлар ўзаларининг ҳақ-ҳўқуқларини яхши билгани ҳолда, зимиҳисадағи бурчини, масъулиятни унутиб қўйишади. Бурчи унутилган жойда эса қонунбузарлик юзаға келиши табиий. Туманишмидағи «Stela Artgroup» МЧЖнинг раҳбари Суннатилла Абдураҳмонов ҳам қурилиш моллари учун тушган маблағни нақдлаштиради. 6 млн. 400 миң сўмлик қурилиш молларини сотиб, «бу ишларни ҳеч ким билмайти» қабилида пулни чўнтакка уради. Департамент томонидан текширишда МЧЖ раҳбарларининг қилмиши фош қилинди. Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в)дан ривоят қилинган бир ҳадисда «Инсон танасида бир парча эт бор, у соғ бўлса,

бадан ҳам соғ-саломаат бўлади. У бузилса, бўтун бадан бузилади. Огоҳ бўлинг, уқалбодир», деб айтилади. Инсон қалбаки тоза бўлмаса, у ҳеч қандай нопок ишдан, ўзганин ҳақидан ҳам қайтмайти. Юқорида номи келтирилган МЧЖ раҳбарлари ана шундай инсонлар сирасидан эканлиғи маълум бўлди. Тадбиркорлик билан шуғуллиниш учун ҳўкуматимиз томонидан кулай имкониятлар яратилиб берилеётганиға қарамасдан улар ўз бурчларига, ўзгалар ҳақиға хиёнат қилиб, давлатни алдамсоқчи бўлишди.


Шерзод МУЗАФАРОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳўзуридағи СВОЖДЛДК департаменти Ҳамза туман бўлим бошлиғи

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бадиий адабиёт билан шуғулланиш, иход қилиш учун умуман вақт тополмай қолгани учун Навоий бу лавозимдан истеъфога чиқади. Аммо Бойқаро уни давлат хизматидан бўшатиб юборишни истамай, вазир этиб тайинлайди. Вазирлик чоғида Навоий ўз ҳисобидан турли бинолар, мадрасалар ва ҳаммомлар қурдиради ҳамда камбағаллар кириб, бепул овқатланадиган ошхоналар бунёд эттиради.

Уша пайтлар ислом динининг гуллаб-яшнаган даврлари эди. Тақводор мўмин-муслмон бўлган Навоий ҳукмдоридан адалат билан иш қўришни талаб этади. Шоирнинг асарларини ва унинг қилган амалларини

Инсон, унинг орзу-ўйлари, табиий борлиққа муносабати Навоий асарларининг беш мавзусидир. Унинг фикрича, инсон ўз атрофидаги одамларга қўлидан келганча ёрдам бериши ва ўзининг бир бурда нонини пешона тери тўкиш ҳисобига топиши керак. Бу ғояларини шоир ўзининг шахсий ҳаётида ҳам татбиқ этишга ҳаракат қилган. Айтишларича, Навоий ҳукмдор саройида вазир бўлиб ишлаган кезларида ҳар куни саройга отда борар экан. Маълумки, уша пайтларда вазири аъзам ўтаётганларида йўлдаги барча кишилар четга чиқиб, таъзим бажо қилиб туришган. Икки навкар отнинг жиловидан тутиб, икки навкар орқадан муҳофаза қилиб юришган. Саройга элтадиган йўл Хирот



тожлар бугун афтодохол. Тўғри, бу сенинг шахсий ишинг. Эшитишимча, маҷитга чиқиб, беш маҳал намоз ўқирмишсан, Аллоҳга ибодат қилиб, бойлигингни янада қўпайтиришни илтижо қилармишсан. Илтижоларингни ижобат қилиш ёки қилмаслиқ, бу энди Аллоҳнинг иши. Мен эса ҳудди сенга ўхшаш Аллоҳнинг бир бандасиман, ҳолос. Аллоҳнинг қарз саломига алик олаётган бўлсан, ўш, мендан яна нима истайсан ҳақиқат?

Навоийнинг фикрича, киши ўз ватанини севиши ва ҳамиша ўз халқи билан бирга бўлиши лозим, зеро Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида шундай дейилган: «Хуббул ватани мин ал-иймон», яъни «Ватани севмоқ ий-

Умуминсоний ғоялар куйчиси

яхшироқ кўздан кечирсак, уларни таҳлил этиб кўрадиган бўлсак, диннинг, иймоннинг ўта жиддий нарсас эканигини, унга панжа орасидан қараш, юзаки муносабатда бўлиш мумкин эмаслигини аниқлаб етасиз. Зеро, иймон Аллоҳга, ул Зотнинг фаршталарига ва китобларига, пайғамбарларига, охиратга ишониддан иборатдир. Бундан ташқари киши тақдирга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳданлигига ва қайта тирилишига ҳам иймон келтириши лозим. Яхши кишилар бошқаларни сўз билан ҳам, қилган амали билан ҳам ерга урмаслиги, дилини оғритмаслиги лозим, зеро Навоий айтгандек:

«Кимки бир кўнгли бузувчи хотирин шод айлағай, Олча борсим, Каъба айрон бўлса обод айлағай.»

бозорининг ўртасидан ўтар экан. Бозорда бир ҳаммом бўлиб, доимо оёқланг, терга, чанга ботган ҳолда одамларнинг юкни ташиб, ночорларга сув, ўтин келтириб, хизмат қилиб юрар экан. Буни қарангки, Навоий ҳазратлари ўша ҳаммомни кўрганга отдан тушиб, у билан қўл бериб қўришиб, унга узок умр, Аллоҳдан хайру барака тилаб, сўнгра йўлида давом этар экан. Буни кўрган одамлар бир куни ҳаммомга дашмон беришибди: «Кўряпсанми, вазир жаноблари сенга қанчалар эҳтиром кўрсатаётдилар. Энди сен ҳам сал одам қаторига киргин, уст-бошингни янгилаб, бошинга салла ўраб, бизлар билан маҷитга чиқкин, савдо-сотик билан шуғуллангин, вазири аъзамнинг ҳурматиға муносив бўлгин.» Ҳаммом одам-

ларнинг маслаҳатиға кириб, уст-бошини янгилаб, савдо-сотик билан шуғулланиб, ҳар куни беш маҳал маҷитга чиқа бошлабди. Ва ҳар сафар вазири аъзам ўтаётганда йўл четига чиқиб, бошқа савдогар одамлар билан бир куни ҳаммомга алик олгандек бош иргаб ўтадиган бўлибди. Бу хол бир қанча вақт такрорлангандан кейин, ҳаммом сабри чидамай бир куни юғуриб бориб вазирнинг қаршисига чиқибди. «Вазир ҳазратлари, мен тер ва чанга ботиб, одамларнинг юкни ташиб юрганимда сиз отдан тушиб, мен билан қўл бериб кўри-

шардингиз. Энди одам қаторига кириб, уст-бошимни янгилаб, кунга беш маҳал маҷитда намоз ўқиб, Аллоҳга ибодат қилишни бошлаганимда сиз мен билан бошқалар сингари бош иргаб саломлашадиган бўлдингиз. Бунинг сабаби недур?» «Азизим, — дебди Навоий, — сен оддий ҳаммом бўлиб юрганимда одамларга сендан кўпроқ манфаат этиб турарди. Уларнинг зулмат хоналарига ёруғлик, нур олиб кирардинг. Шу сабабдан мен сен билан нафақат қўл бериб қўришишга, балки сенга унданда ортиқроқ иззат-эҳтиром кўрсатишга ва ҳатто қўлларингни кўзимга суртишга ўзимни бурчи хис этардим. Бугун эса сен тулпа-тузуқ савдогарсан, уст-бошинг ҳам жойида, аммо афсуски, сенинг ёрдамингга му-

мондандир». Навоий пайғамбаримизнинг кўпгина ҳадисларини шеърга солган, эҳтимом шу сабабдан ул зотга «Низомуддин», яъни «диннинг низоми» деган тахаллус берилгандир. Умуминсоний ва гуманистик концепциялар ҳудди бир қизил чизик сингари ҳазратнинг барча асарлари ўртасидан ўтгандир. Алишер Навоий вазир, шоир ва инсон сифатида сўзда ва амалда ўрта асрлардаги схоластикага, зулмуликка (деспотизмга), тахтин эгаллаш учун ўлиб бориладиган қонли курашларга қарши чиқди. Бундай курашлар натижазида алақабатда беғуноҳ аҳоли жабр қўришни ҳукмдорлар онига етказишга ҳаракат қилди.

Зиёдулла ХИДИРОВ,
ТДЮИ тадқиқотчиси

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Аммо аҳолини иш билан таъминлашга оид қўнулар ихросини атрофчида таҳлил этганимизда, айрим жойларда мутасаддилар томонидан суиистеъмолчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам аён бўлмоқда.

Бинобарин, вилоят ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси куйи тизимларида меҳнат инспекторлари томонидан фуқарони ишсиз деб эътироф этиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, ишсизлик нафақаси тайинлашда статистик ҳисоботларни бузиб кўрсатиб, бюджет маблағлари асоссиз равишда талон-торож қилинган.

Айрим жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари эса ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, меҳнат инспекторларининг ҳисоботларини умуман текширмай келишган. Бунинг оқибатида янги иш ўринлари яратиш, иш сўраб мувожаат этиш, ишга жойлаштириш, ишсизлик мақомини бериш каби масалаларда кўзбўямачилик қилиниб, сохта маълумотлар тақдим этиб келинган. Масалан, ўтган йилнинг етти ойида вилоят бўйича яратилган 26 минг 390 та янги иш ўринларидан 1316 таси қўшиб ёзилган.

Ёхуд Наманган шаҳридаги инспекторларнинг 2009 нафар фуқарони банкрот деб топилган «Намангантекстиль» корхонасига ишга жойлаштириш ҳақида сохта йўлланмалар тузиб, уларнинг иш излаётганликлари ҳусусида шахсий ҳисобга олиш варақалари расмийлаштиришгани, сўнгра марказ томонидан ишга жойлаштирилди деб ҳисоботлар тузириб юборишларини қандай тушуниш мумкин?

— Маълумки, ўтган йили вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Давлатга пилла, галла, нахта сотиш шартномаси режалари ортиги билан улдалади. Шубҳасиз, бундай яхши натижаларга эришилганда вилоят прокуратураси органларининг ҳам ўзинга хос улуши бор...

— Албатта. Дарҳақиқат, йил мубайнида аграр тармоққа оид қўнун ҳужжатлари ихроси доимий назоратимизда бўлди. Республика Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ишхўлатларни амалга оширишга қаратилган қўнунлар ихросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони юзасидан амалга оширилаётган ишлар доимий эътиборимизда бўлди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада 2007 йили 283 та текшириш ўтказилди. Уларнинг натижаларига кўра қўнунбузилиш ҳолатларини барта-раф этиш тўғрисида жойларга 621 та тақдимнома киритилиб, 1210 нафар шахс оғоҳ-



ТАШАББУСКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

лантирилди. 977 нафар шахсга нисбатан интизомий, 2036 нафарига маъмурий, 722 нафарига моддий жавобгарликка оид ишлар кўзгатилди. 192 та қўнунга зид ҳужжатларга нисбатан протестлар келтирилиб, 153 та қўпол қўнунбузилиш ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари кўзгатилди.

Айниқса, ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича бир қатор ноқонуний ҳоллар аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Прокуратура органлари томонидан вилоятда ушбу масала юзасидан йўл қўйилган қўнунбузарликларга тўхталадиган бўлсак, ўтган вақт мубайнида жами 302 та ҳолатда 1540,8 гектар ердан мақсадсиз фойдаланиш, қўнунга зид тарзда ер ажратиб бериш каби савий ҳолатлар кўзга ташланди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 21 ноябрдаги «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари 38 та ҳолатда қўпол равишда бузилган. Яъни, танловлардаги адалатсизлик туфайли 1849 гектар ер майдон-

лари ноқонуний ажратиб берилган.

Биргина мисол. Учқўрғон туманидаги «Андижон» ширкат хўжалигини фермер хўжалиқлариға айлантириш бўйича ўтказилган тендерда талабгор А.Бекмирзаев аслида йўқ бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80хА» русумли тракторга қалбаки техник паспорт тайёрлаб, унга ўзининг исм-фамилияси ва бошқа сохта ёзув-

тувор вазифалардан бири десак, муболага эмас. Бу борада Наманган вилотида ўтган йил қандай натижалар билан кечди?

— Фарзандларимизни том маънода эртанги келишак эгалари сифатида ҳар тарафлама етук, билимли, баркамол этиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз. Ёшларимиз орасида жиноятчилик ва ҳўқўбузарликларнинг олдини олиш, айниқса, уларни турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш, тафакхурини шакллантириш, ҳўқўқў онгини ошириш мақсадида кўпроқ мулоқотлар, учрашувлар, баҳс-мунозаралар ўтказишга катта аҳамият бермоқдамиз. Албатта, бу каби тадбирлар ўз самарасини кўрсатапти.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси ташаббуси билан «Устоз — шоғирд — педагог» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа ижтимоий ва ҳўқўқў хатарли ғруҳларга мансуб, носоғлом муҳитда таълим-тарбия олаётган, назоратсиз ва қаровсиз юрган, тарбияси оғир болаларнинг бўш вақтларини мазмуни ва самарали ўтказиш мақсадида йўналтирилган. Унга кўра, ҳозирда туманларда фоллият кўрсатаётган машина-трактор парклари қошида 250 нафарга яқин ана шундай ўсимлар таърибилаи устозлар қўлида касб-ҳўнар сирларини ўрганишмоқ-

лар киритиб, комиссияга тақдим этган. Натижада оқори бал тўплаб, танловда ғолиб чиққан. Унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, қилмишига суд томонидан қонуний баҳо берилди.

Поп туманидаги «Курамакалон» фермер хўжалиги ҳисобчиси Т.Урдаев эса хўжаликка тегишли 44 бош, 16 млн. 700 минг сўмлик чорва молларини сотиб юбориб, ўзанинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириб юборгани учун унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиди.

Умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасини минерал ўғитлар, ёнлиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва сақлаш, техникалардан унумли фойдаланиш, ўзаро ҳисоб-китоб ҳамда тўлов интизомига риоя этиш каби масалаларда ҳам қўнун барқарорлиғига эришиш асосий мақсадимиз бўлди ва ўтган йили бу ниятимизга эришидик, деб айта оламиз.

— Вояга етмаганлар оид қўнулар ихросини таъминлаш, улар ўртасида ҳўқўқўбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам прокуратура органлари зиммасидаги ус-

да. Улардан 25 нафари слесарь, токарь, чилангар, электрик каби мушассисликлар бўйича махсус гувоҳномалар олишди.

— Албатта, бу каби савий-ҳаракатларнинг қўламини жорий «Ёшлар йили»да янада кенгайтирилиб, ўзинга хос мазмуни ва моҳият касб этса керак?

— Шубҳасиз. Ўртбошимиз томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб ёзлон қилиниш зиммасидаги масъулиятни ана бир қарра оширдим. Биз бу борада амалга оширадиган ишларимизни йил бошидаёқ режалаштириб олганмиз. Асосий мақсадимиз, ёшларимизни мустақил Ватанимизга садоқатли, маънан ва жисмонан соғлом, юксак маданиятли инсонлар сифатида вояга етказиш ва уларнинг камолини кўриш. Шундай экан, уларнинг ҳўқўқў ва эркинликларини ҳимоялаш, яхши яшаш, чўқур билим олишлари учун зарур шарт-шароитларни, қўлайлиқларини яратиш бериш, ўғил-қизларимиз тарбиясига масъуллиқ қўн тартибимиздаги масалалардан бўлиб қолаверди.

Шўхрат ДЕҲҚОНОВ
сўхбатлашди

Ҷаҳон ТВ

Ҳафталик теледастурлар

2008-yil 7-fevral, № 06 (579)

Моҳият

Йиқилганни депсишни муттаҳам қўрқоқ бошлайди.

ОВИДИЙ

11-fevral, Dushanba

07.00, 09.00, 13.00, 14.30, 17.30, 20.35 Ҷаҳон навалари
08.00 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 68-серия (такрор)
08.30 «Седьмой день» (итого)
10.00, 14.00, 17.00 Мировые хиты
10.30 Район концерти
12.30, 18.00 «Премьера» (рус)
13.30, 19.00 «Премьера» (узб)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультифилм
18.30, 21.30 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 69-серия
19.30 Серил «Свой человек» 1-серия
22.00 Х/ф «Ноттинг Хилл»
00.20 Миксер

08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)

09.00 Серил «Свой человек» 1-серия
10.05, 13.05, 17.30, 20.35 Мировые хиты
11.00 Серил «TALABALAR.UZ» 15-серия
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультифилм
17.00 «Премьера» (узб)
18.30, 21.30 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 70-серия
19.30 Серил «Свой человек» 2-серия
22.00 Х/ф «История о нас»
23.50 Миксер

13-fevral, Chorshanba

07.00, 07.35, 08.35, 10.30, 11.30, 12.05, 14.30, 17.30, 18.05, 19.05, 20.35 Ҷаҳон навалари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 70-серия
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)

12-fevral, Seshanba

07.00, 07.35, 08.35, 10.30, 11.30, 12.05, 14.00, 18.05, 19.05, 21.00 Ҷаҳон навалари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 69-серия (такрор)

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

09.00 Серил «Свой человек» 2-серия
10.05, 13.05, 14.00, 17.00 Мировые хиты
11.00 Серил «TALABALAR.UZ» 16-серия
13.30 «Премьера» (рус)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультифилм
18.30, 21.30 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 71-серия
19.30 Серил «Свой человек» 3-серия
22.00 Х/ф «Что хочет девушка»
00.00 Миксер

09.00 Серил «Свой человек» 3-серия
10.05, 12.05, 14.00 Мировые хиты
10.30 «Премьера» (узб)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультифилм
17.00 Концерт Валерия Меладзе
18.30, 21.30 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 72-серия
19.30 Серил «Свой человек» 4-серия
20.35 Ҷаҳон навалари
22.00 Х/ф «Без ума от любви»
23.50 Миксер

09.00 Серил «Свой человек» 4-серия
10.05 Концерт Валерия Меладзе
14.00, 20.35 Мировые хиты
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультифилм
17.00 «Премьера» (рус)
18.30, 21.30 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 73-серия
19.30 Х/ф «Свой человек» 5-серия
22.00 Х/ф «Вечное сияние страс-ти»
00.00 Миксер

16-fevral, Shanba

07.00 Ҷаҳон навалари
08.30 Мировые хиты
09.30 «Бэби хитс»
10.00 Мультифилм
12.00 Мировые хиты
13.00 Ҷаҳон навалари
14.30 Серил «TALABALAR.UZ» 16-серия
15.30 Мировые хиты
16.00 Х/ф «Хроники Нарнии»
18.40 Ҷаҳон навалари
19.00 «Шанба оқшонида»
19.30 Ҷаҳон навалари

17-fevral, Yakshanba

07.00 Ҷаҳон навалари
08.00 Мировые хиты
09.00 «Шанба оқшонида»
09.30 «Бэби хитс»
10.00 Мультифилм
12.00 Мировые хиты
13.00 Ҷаҳон навалари
14.30 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 69-73 сериялар
17.00 Илхом Фармонов концерти
19.00 «Седьмой день» (итого)
19.30 Ҷаҳон навалари
20.00 «Премьера» (узб)
20.30 Ҷаҳон навалари
21.30 Серил «TALABALAR.UZ» 18-серия
22.00 Х/ф «Гордость и предубеждение»
00.20 Миксер

11-fevral, Dushanba

12.00, 14.15 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Атлантида»
14.35 Х/ф «Проданный смех» 1-серия
15.35 Мультифилм
15.55 Музыкальная дорожка
16.35 Х/ф «Шпионские игры»
18.40 Музыкальная дорожка
19.20 Х/ф «Индияна Джонс и храм судьбы»
21.10 Музыкальная дорожка
21.50 Х/ф «От заката до рассвета»

12-fevral, Seshanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Спирит»
14.25 Х/ф «Проданный смех» 2-серия
15.35 Мультифилм
15.55 Музыкальная дорожка
16.35 Х/ф «Трудности перевода»
18.15 Музыкальная дорожка
18.55 Х/ф «Затойчи»
20.45 Музыкальная дорожка
21.25 Х/ф «Бэтмен»

Kamalak канали ҳафталик дастури

07.00, 07.35, 08.35, 11.00, 13.05, 14.30, 18.05, 19.05 Ҷаҳон навалари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 71-серия
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)

07.00, 07.35, 08.35, 11.00, 12.05, 13.05, 15.00, 17.30, 18.05, 19.05 Ҷаҳон навалари
07.30, 12.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.00 Серил «Ҳасига ўқшаши йўк» 72-серия
08.30, 13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)

10.00, 11.35 Клип минутка
10.20 М/ф «Алеша Попович и Тугарин змей»
11.55 М/ф «Балто 2»
13.05 Рейтинговый фильм
14.55 Кино ХИТ «Сестры»
16.15 Музыкальная дорожка
16.55 Х/ф «Мой любимый марсианин»
18.30 Музыкальная дорожка
19.10 Х/ф «Сейф»
20.40 Музыкальная дорожка
21.20 Х/ф «Заплата друго-му»

16-fevral, Shanba

10.00, 11.35 Клип минутка
10.20 М/ф «Мадагаскар»
11.55 М/ф «Возвращение Джабра»
13.05 Рейтинговый фильм
14.55 Кино ХИТ «Сестры»
16.15 Музыкальная дорожка
16.55 Х/ф «Мой любимый марсианин»
18.30 Музыкальная дорожка
19.10 Х/ф «Сейф»
20.40 Музыкальная дорожка
21.20 Х/ф «Заплата друго-му»

2. Фантастическая четверка 2

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 Т/с «Сарой жаҳончи».
7.35 «Икки дарё оралдида».
7.55, 13.55, 17.10 «Олтин мерос».
8.00-8.45 «Тадлинома».
8.45, 20.50 «Минг бир ривоят».
8.50 В/ф «Алишер Навоий».
«Болалар сайраси»:
9.20 «Болалар дунёси».
9.40 М/ф «Ака-ука Гримм арткалари».
10.05, 13.00, 14.15, 16.55, 17.55, 20.00, 22.55 ТВ анонс.
10.10 «Одами эрсанг...»
10.30 «Шахсий фикр»
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Кумуш киш»
11.20 «Ҳамон ёдимада...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузи дастури.
13.05, 18.05 Т/с «Турмуш чоррахаларида».
14.20 «Эски альбом».
14.25 «Минг бир ривоят».
14.30 «Аёлгу». Спектакль.
15.25 «Ватанпарвар».
16.15 «Ўзбекистон кўриқхонаси».
17.20 «Юрт меҳри».

«Болалар сайраси»:
17.40 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оханлар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 Т/с «Аччиқ ёлгон».
21.35 Эркин мазму.
21.55 Т/с «Сўнги қиролич».
23.00 «Кўшигимсан, муҳаббат»
23.15 Т/с «Рамаёна».
23.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буқ инак йўли»:
00.10-00.20 Тунги навалар.
«Uzbekistan».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 В/ф «Алишер Навоий».
00.55, 04.35 «Олтин мерос».
1.00 «Ахборот» (рус)
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Ватанпарвар».
02.25 «Бир кун».
02.50 Б/ф «Пари момо».
04.00 «Ахборот».
04.30 Эски альбом.
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 Т/с «Турмуш чоррахаларида».
05.35-05.55 Тонги навалар.

1 FEVRAL Dushanba

15.55 Дастуринг очилиши.
16.00 «Дар».
16.10, 19.30 Т/с «Дентиз ҳукмдори».
16.45 «Келалол Баҳор»
16.50 «Болалар табасуми».
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Чемпион».
17.30 «Калпок».
17.55 «Сумалек ҳавли».
18.00, 21.10 Т/с «Али».
18.35, 20.30 «ИЭХ хабарлари».
18.40 «SMS-музыка».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00, 22.00 «Дар».
20.10 «Автопатруль».
20.20 «ТВ-банк».
20.40 «Ешлар навоси».
21.00 «Баҳор соғинчи».

21.05 «Yoshlar» анкетаси.
22.30 «Мулки мултоз».
22.45 Т/с «Кайтар дунё».
23.30 «Аждодлар садоси».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 М/ф «Афсонавий мамлакат» 1-қисм.
18.10, 21.50 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30, 21.30 «Пойтахт»
18.45, 21.25 «Анонс».
18.50 Т/с «Камила»
19.20 «ТВ юрист».
19.25 «Музыка SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00, 22.30 «Пойтахт» /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/.
20.20 Т/с «Милагрос»
20.50 «Интервью» /рус/.
21.00 «Жозиб».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Аён қалби».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50- 00.15 Х/ф «Интуиция».

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 М/ф «Афсонавий мамлакат» 1-қисм.
18.10, 21.50 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30, 21.30 «Пойтахт»
18.45, 21.25 «Анонс».
18.50 Т/с «Камила»
19.20 «ТВ юрист».
19.25 «Музыка SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00, 22.30 «Пойтахт» /рус/.
20.15 «ТВ юрист» /рус/.
20.20 Т/с «Милагрос»
20.50 «Интервью» /рус/.
21.00 «Жозиб».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Аён қалби».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50- 00.15 Х/ф «Интуиция».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талкин».
8.30 «Детские».
9.00 «Версия».
9.25 «Малахов+».
10.25 Т/с «Татьянин день».
11.10 Настольный теннис. «Евроге TOP-12».
12.20-13.10 «Учрашу» Чемпионати.
18.00 «Полвонож».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.50 «Музыкальный тайм».
19.10 «Ким нимага кодир?»
19.30 «Футбол шархи».
19.50 «Спортлото»
20.00 Т/с «Пейкаж с убийством».
20.55 Кураш бўйича халқаро турнир. Греция.
21.00 «Хабарлар» (узб.)
21.50 «Жди меня».
22.40 Еврофутбол. Испания чемпио-нати.
«Севилья» - «Барселона».
00.15 «Тунинг осада бўлисин!»

05.00, 09.05 «Доброе утро»
09.00, 12.00, 15.00 Новости
09.25 «Малахов +»
10.25 «Контрольная закупка»
11.00 Т/с «Убойная сила»
11.15 «Модный разговор»
13.25 «Детективы»
14.00 Другие новости
14.25 «Хочу знать» с Михаилом Ширвиндтом
15.20 «Секреты королевской семьи. Смерть принцессы Дианы»
Нонинг нақадар азиз, тенгсиз неъматлиги ҳақида сўз юритилган мақола кишини бугунги тинч ва оозод, тўкин ва фаровон кунларга шукрона қилишга ундайди. Аслида ҳам ҳаётнинг мазмуни, моҳияти шунда эмасми?

Айтиб ўтганимиздек, «Диёнат» юридик газета. Аммо ҳуқуқий мавзулардан ташқари ижтимоий-сисёсий ҳаёт, маънавият, халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, маънавий-маърифий қадриятлари, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳам тахририят ижодкорларининг эътиборидан четда эмас. Шунинг учун ҳам «Диёнат» 2007 йил давомида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳақида ривожлантириш жамоат фондининг грантлар дастури доирасида юқоридаги мавзу бўйича муваффақиятли фаолият олиб борди.

«Диёнат»чиларни юқоридаянгилек йўлида тиниб-тинчимаса дея таъкидлаб ўтгандик. Бу жиҳат 2008 йил бошида газетанинг шаклушамойиллида янада яққол намён бўлди. Газета эндиликда катта ҳажда (А-2), икки рангда чоп этилапти.

Аслида «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», дейишди. «Диёнат»нинг янги сони ҳали қўлингизга тушмаган бўлса, уни топиб ўқиниша шошиллинг.

Акмал АСРОПОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори

НОМИГА МУНОСИБ НАШР

лишмаган бўлмасиз. Ҳуқуқий маърифат ва маданиятни юксалтириш, таъсирчан чиқишлар билан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиб, эзгу ният-мақсадлар рўбига хизмат қилиш шулар жумласидан. Шунинг ҳам айтиш керакки, кишиларда маскур йўналишдаги нашрларга ишонч ва умид катта. Уларга муаммолари ҳақида ёзиб, ечимидан умидвор бўлалдилар. Адолатсизликка учраган ҳолатларда ҳам фуқароларнинг айнан шундай нашрларга мурожаат қилиши кўп кузатилади.

Газетанинг ишончи ва эътироғи сазовор бўлишининг сирини нимада? «Диёнат»ни вақарлаб эканмиз, бу саволга жавоб топгандек бўлдик.

Изланиш ва интилиш, ижодкорга хос янгиликдан чўчимас-

лик, республика бўйича тарқатилаетгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. «Диёнат» Намангандаги 50 дан зиёд даврий нашрлар орасида пешқадамлардан бўлибгина қолмай, мамлакатимизда чоп этилаётган нашрлар орасида ҳам ўзига хос мавқега эгаллиги сабабини унинг саҳифаларидан изласак тўғрироқ бўларди.

Қўлимизда «Диёнат»нинг 2007 йил 22 ноябрь кунини чоп этилган сони. Кўплаб юридик газеталар қатори унда ҳам жиноят ва жазо мавзусига оид мақолалар кўзга ташланади. Бундай мақолалар ўқувчинини тегишли хулоса ва сабоқ чиқаришга ундайди. Аслида ҳам ҳаёт мезони шу эгри йўлга кирмоқнинг оқибати хайрли бўлмайди. Айримлар буни кеч ағлаб етади ёки кўра билди туриб, хатога йўл қўяди. Бу-

курсию, жиний жавобгарлик билан юзма-юз келди.

Бу ҳолатлар «ҳаётда ҳар ишнинг жавобию, ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор» деган ақидани ёлға солади. «Диёнат» ўқувчиларга шуни эслатиш билангина қи-фоляниб қолмайди. Айни шу сондаги «Қароғимдай уюғи азиз» мақоласини ўқигач сиз ҳам бунга амин бўласиз.

Унда ўтмишдаги очарчилик, қаҳатчилик каби оғир синовли замонларни кўрган момонинг эсдаликлари шундай қаламга олинади: «— Эсимда, — ҳикоясини давом эттирдилар бувим. — Арпа унидан кунига бир маҳал атала пишириб ичамиз. Кичик укам бетеб, ранги докадек оқариб, қорни дўмбиралек пишиб кетганди. Табиғга кўрсатиб қайтган отам-

Худойим?!
Дадам хўнтраб йиғелар, онам қарахт бўлиб қолгандек қотиб ўтирардилар.

— Қўшнимиз икки ойда уч жонни тупроққа қўйди. Даласи, кўпга келган тўй экан, қандоқ қиламиз?

Анча маҳал ўтиб ниҳоят тушқун кайфиятда шивирдилар онам ва ташқари чиқиб кетдилар. Бир пайт: «Очликдан силласи қуриб, бевақт ўлим топган болам!», деган фарёд бутун маҳаллани уйқудан уйғотди. Ҳа, бу менинг онам эди. Шоша-пиша узун қилиб ёпилган кўрпамизни кўтардим. Укам йўқ, уни ураб-чирмаб нарироққа ётқизи-б қўйишганди. Ушанда...

Бувим бир дам тўхтаб қолдилар. Ёшли кўзларини аста силадим.

Октябрь рўза тугилаётган ой эди. Кечки пайт соат еттиларда Илҳомжон «Эшонбобо» масжидига таровуҳ номозини ўқигани кирди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Бехос гулзор ичида кимдир ингради. Қараса, масжид қорувиди қонга беланиб ётибди. Ичкарида икки оқсоқол энди кириб ўтиришган эди. «Тез ёрдам» чақирайлик! Ҳошим акани машинага юклаётган врачга қарашиб юборди. Номозни ўқиб уйига кириб кетди. Келаси кун эрталаб масжидда милиция ходимлари суриштиришга келди. Ҳошим ака касалхонага етиб бормай жон берган экан. Гап-сўзларга қараганда кеча кечки пайт уни Бахтиёр деган йигит ўлғудай дўпослабди. Новвой болалар кўришпти. Тезкор-тергов гуруҳи Жийдали қишлоғилик Б.Ўрниовни ҳибсга олди. Гумонланувчи аввалига ўзини хокисор қилиб кўрсатди. Бироқ бироздан кейин гувоҳларнинг кўрсатмаларини инкор эта олмай, айбига иқроор бўлди.

Унга бу дард йўрғакда теккан эди. Зўравонлик, муштумзўрлик қилиб ўн саккиз ёшдаёқ судланди. Қирқ ёшгача тўрт марта судланса-да, эси кирмади. У бир неча йилдан буён Тошкент вилоятининг Чиноз туманида мардикор бўлиб ишлаб кун кўраётган эди. Бир йилга аввал хотини Замирахон ва болаларини ҳам олиб кетди.

2007 йил сентябрь ойи охирида кечки пайт тагин маст бўлиб келди.

— Топганизи ичиб тугатаверсангиз, қарзлардан қандай қўтилишми? — жавради хотини. — Ижара ҳақини тўла, деб яна келди унинг эгаси.

Бахтиёр баттар маст бўлиб хотинини сўкиб дўпослади. Келаси кун ишдан қайтса, хотини болаларини олиб кетиб қолди. У қўл телефонига кўнғироқ қилди. — Нимага индамай кетвординг? — Уриб-сўкиб яна нимага деб сўрайсизми? — Бўпти, бошқа ичмайман...

«Мени танимайсанлар, ҳеч нарсани кўрганларинг йўқ! Агар валдираб қўйсаларинг...» Бўпти, бўпти дея кўрқиб кетган ўн тўрт-ўн беш ёшли болалар ичкарига кириб, эшикни беркитиб олишди.



ЙЎРГАКДА ТЕККАН ДАРД

— Ҳайитни ўтказиб бораман бўлмаса... У болаларини соғиниб Янгикўрғонга йўл олди. Йўлда яна ичиб олди. Жийдали қишлоғида отасига учраб, бироқ гаплашиб ўтиргач, Қоратсепа қишлоғидagi қайнотасининг ҳовлисига кириб борди.

— Оқпетгани келдим... Оғзидан ароқ ҳиди бурқиди.

— Соғлиғизда гаплашаман сиз билан! — дея қайнотаси гапни калта қилди. Чунтағидаги пичоқни олиб қўйди. Бахтиёр Янгикўрғонга бориб, аламга уч-тўртта дўконларда «юзта-юзта»дан отиб олди.

Қишлоғига қайтаётиб Жалоёрдаги масжидга бурилди. Ҳожатхонасига қираётганида нотаниш кекса одам овоз берди:

— Пулли ҳожатхона...

Масжид қорувли Ҳошим ака Гафоров асли Баққир қишлоғидан эди. Битта қизини турмушга берганди. Ҳамқишлоғи, Жалоёрдаги масжид имоми Аббосхонга ёрилди. «Кўёвнинг уйда ўтириш малол келяпти. Биронта жой бўлганида...» Имом унга масжидда қорувуллик қилинг бўлмаса, деди. Маоши йўқ, дея огоҳлантирди. Ҳошим ака «Эшонбобо» масжидидаги ҳужрада ётиб-турар, супириб-сидириб, ҳожатхонага кирганлар берган пулга амал-тақал тирикчилигини ўтказётган эди.

Қайнотаси ҳайдагандан баттар қилгани етмагандай, битта чолнинг гап отиши Бахтиёрни жазавога солди. Э йўқ, бе йўқ, тасу-

ра-тасур муштлади. Ҳошим ака ўзини шу яқиндаги новвойхонага урди. Бахтиёр унинг ортидан кириб, новвойхонанинг ичида уриб йиқитиб, дуч келган жойига аямай тепаверди. «Масжиднинг ҳожатхонасига ҳам пул олсанми?» «Бўлди, бўлди, бошқа ундай қилмайман...» Ялиниб ёлворётган, чала-жон бўлиб қолган чолни масжиддаги гулзорга судраб борди. Гулзорнинг ичида ҳам юз-кўзи, боши, елка-биқинига тепаверди. Ҳансираб, ўпкасини босиб олгач, ташқарига юрди. Масжид имомининг ортидан ҳужрасига кирди. Ёқасидан бўйиб, «Тугриликча имомлик қил, одам ажратмасдан. Қорувулнинг ҳам қишлоғиндан еттаклаб келсан-да! Ҳожатхонани ҳам пуллик қиб қўйдингми?» дея уни ҳам муштлаб урди. Чикиб кетаётиб, «Бировга фиринг десанг, унингга ўт қўяман!» дея дўқ урди.

Отаси тенги одамни ўлғудай қалтаклаб

ўлдирган қотилнинг сўз оҳангига афсус-нақоматдан асар ҳам йўқ эди. Ёшлтигидан ичкиликка ружу қўйиб, мастлиғида зўравонлик қилиб, тўрт марта судланган Бахтиёр Ўрниов ичкиликбозлик оқибатида турмушини изга соломлай, аламини кекса бир одамдан олди. Табасига таянмай, масжид қорувли умрига зомин бўлган, масжид имомига тан жароҳати етказган муштумзўр қотилни суд узоқ муддатта озоликдан маҳрум қилди.

А.НОРМАТОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.
И.ВАЛИЕВ,
вилоят прокуратураси катта терговчиси

Телефон жиринглаб, ҳамкасблар суҳбатини узиб қўйди.

— Алло, милициями?
— Туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисми, сизни эшитаман?

—Тез етиб қелинглар, хозиргина мол ўғирсини ушлаб олдик.

— Манзилни айтинг, — навбатчи милиционерқоғоз-қалам олиб манзилни тез-тез ёза бошлади. —Қўштепа қишлоғи, шойилмасдан гапиринг, қайси маҳалла? Қўштепа қишлоғи, Қўшқовуз маҳалласи... Узингиз ким бўласиз?

— Фамилиям Бўриев, шу қишлоқда ишайман.

чакирув қоғози келди. Дилфуза унинг номидаги «Дамас»дан улушини сўраб фуқаролик судига даъво-ариза киритибди. Ботир қишлоғига қайтиб борди.

Ботир ва унинг ака-укалари «Дамас»дан улуш олишни Дилфузага отаси Рустам ўргатган» деган ҳаёлда ундан ўч олиш, қандай бўлмасин уни даъводан воз кечишга мажбур қилиш йўлларини қидира бошлади.

Суд бўладиган кун эрталабдан ака-укалар маслаҳатга йиғилишди. Чора топишолмади, суд нима ажрим чиқарса шунга кўнишдан бошқа чора

ди.
— Менга қара, — секин гап бошлади Усмон, — Узинг яхши биласан, «Дамас»да қизингнинг ҳаққи йўқ. Машина Ботирнинг номига олингани билан у раҳматли отамга тегишли эди. Шунини қилиб туриб, судга даъво қилиб юрибсанми? Айт, давводдан воз кечасанми ёки уриб қилиб ташлайликми?

—Ҳали менга дўқ қилаяпсанми? — Рустам ака Усмоннинг ёқасидан тортиди. — Қайтариб олмасан нима қиласан, қўлингдан нима келади?

— Айтиб қўяй, — деди орқага тисланган Усмон, — умрим қамқода ўтсам сендақ

зидан Рустам ака билан бир машинада келган, унинг кўприк яқинида тушиб қолганим, бир ўзи уч ака-ука қуршовида қолганидан хабардор ҳамқишлоқлар бу ҳақда Рустамнинг укаларига хабар беришганда кеч бўлган эди.

Рустам аканинг укалари етиб бурганида кўприк олдида ҳеч ким йўқ эди.

Атрофда ҳеч ким кўринмайди. Ака-ука зўравонлар бехуш ётган Рустам акани «УАЗ»га ортиб ўзларининг уйларига олиб келишди. Гапни бир жойга қўйишиб, жиноятни яшириш учун уни мол ўғирсига чақиришга қарор қилишди. Шу

ПИНХОНА ҚОТИЛИК ҚИССАСИ

Шундай деб ўғирлик хабарини берган одам трубкани қўйиб қўйди. Алоқа узилди.

Тез фурсатда навбатчилик қисми машинаси «наряд»даги ходимларни олиб айтилган манзил сари жўнади.

Ботир ва Дилфуза (исмлар ўзгартиб берилмоқда) бир-бирига кўнғил қўйиб турмуш қуришган эди. Аммо бу муҳаббат ришталари турмушнинг катта-кичик синовларига дош беролмади. Улар ажрашдилар. Қудалар муроса йўлини топишолмади. Уртада бир норасиданинг тирик етимга айлангани келди. Бу ҳеч кимни жиддий уйлантирмади.

Шундан сўнг Ботир аччиқ устида Тошкент томонларга кетди. Дилфуза отасининг уйда боласи билан қолаверди. Кўп ўтмай унинг қулоғига миш-мишлар етиб келди: Ботир уйланибди. Дилфузага алам қилди.

Дилфузанинг отаси Рустам ака бу ҳақда эшитиб тутоқиб кетди: «Қизимни бахтсиз қилиб, ҳеч нима кўрмагандай юрибдимиз энди?! Кўрамыз ҳали...» Кўп ўтмай Ботирга суддан

йўқ.
Уша кунни нимадир сабаб билан суд қолдирилди. Туман марказидан қайтишгаётган ака-укалар йўлда Ботирнинг собиқ қайнотаси Рустамнинг изига тушдилар.
Каттақўрғон тумани марказидан Қўшқовуз қишлоғигача унча узоқмас. Рустам аканинг қирақаш «Жигули»га ўтирганини кўрган Ботир акаси Усмон билан уни «Тико»да измаиз таъбиқ қилиб келишди. Йўл-йўлақай ака-укаларнинг кичиги Комилга телефон қилиб, йўлга чиқиб туришни тайинлашди.
Қўшқовузга етмай туриб бериродаги кўприк ёнида кутиб турган Комил акаларининг ишораси билан ўз бошқарувидаги «УАЗ»ни йўлга кўндаланг қилиб қўйди. Йўл тусилганини кўрган «Жигули» тўхтади.

Рустам ака ҳаммасини тушуниди: ака-укалар у билан жиддий гаплашиб олишмоқчи. Машинадан тушиб уч ака-ука томон юрди. Ҳозир нимадир юз беришини тушушган «Жигули» ҳайдовчиси ва бошқа йўловчилар индамай жўнаб қолиш-

пасткашга бир тийин бермаيمان.

— Жаҳлимни чиқарма, бола, хозир учовингниям тушунгани эриб қўяман! Ҳе ...

Ботир собиқ қайнотасига ташланди. Уртада муштлашув бошланди. Соё бўйи эмасми, муштлашаётганлар думалаб пастга эниб кетишди. Ака-укаларнинг кичиги Комил Ботирга ёрдамга шошилди. Лекин икки мушт еб ўзини йўқотиб қўйди. Юғриб келиб машинасидан «торцевой» қалитни олиб келиб Рустам аканинг дуч келган ерига ура бошлади. Аввалига қўллари билан бошини ҳамюра қилаётган Рустам ака бора-бора оғрикнинг зўридан чўзилиб ётиб қолди.

Ака-укалар уни ўртага олиб тепа бошладилар. Ака-укалар унинг жимиб қолганини кўргачина нима иш қилиб қўйганларини тушуниб етишди.

Бу орада боя туман марказидан

максатда Рустам акани машинадан тушириб олишди. Аммо бу орада кўп қон йўқотган Рустам ака жон бериб бўлган эди. Инсонийлик қиёфасини йўқотган ака-укалар совуб улгурмаган жасадни молхона устунига боғлаб қўйишди...

Сўнг милицияга «мол ўғирсини тўтиб олишгани» ҳақида хабар қилишди.

Қотил ака-укаларнинг бу ишини чўкаётган одамнинг чўпга ёпишишга қиёсласа бўлади. Воқеа жойига етиб келган ҳуқуқ-тартибот ходимлари қотиллик жинояти бўйича дастлабки суриштирувни бошлаб юборишди. Шу куннинг ўзидеёқ қотиллар ушланиб, жиноят фоҳи этилди.

Суд ҳукми билан ака-ука қотиллар узоқ йилларга озоликдан маҳрум этилдилар.
Муродилла АБДУХАКИМОВ,
Каттақўрғон туман прокуратураси терговчиси

ФИРИБГАРЛАР

2006 йилнинг ёз ойлари. Талаба бўлиш мақсадида олий ўқув юртиларига келганлар билан шаҳар янада гавжум. Бундай пайтларда талаба бўлишга иштиёқлари зўрлигидан баъза ёшлар товламачиларнинг «қармоқ»ларига илиниб қолиши ҳеч гап эмас.

Худди шундай кунларда Навоий Давлат кончилик институти бирлашган биринчи ва иккинчи бўлими бошлиғи Салават Еникеев «алдов қармоғини» ишга солди. У Фуқрат Жалилов, Жамшид Умиров, Ёркинжон Ариповлар билан олдиндан жинойи тил бириктириб, иш режасини тузди.

«Қармоқ»қа тушганлардан бири ўчқудулик Шокир Эшатов бўлди. С.Еникеев жинойи шериги Ф.Жалилов орқали Ш.Эшатовни алдаб, унинг укаси З.Эшатовни ўқишга киритиш эвазига ундан 500 минг сўм пулни олади. З.Эшатов эса институтга кириш учун тест синовларида етарли балл тўплай олмади. Аммо Ф.Жалилов «ҳали ҳаммаси олдинда», дея Ш.Эшатовнинг кўнглини кўтарди. Агар яна 2 миллион сўм берса, Зоҳидни «супер контракт» асосида ўқишга киритишсини, контракт пулларини Навоий кон-металлургия комбинати ҳисобидан тўлаб борилишини айтади.

2007 йилнинг январь ойида Ф.Жалилов Шокир Эшатовнинг ўчқудуқ шахридаги уйда 1 млн. 950 минг сўм пулни олади. Бу ҳақда «тилхат» ҳам ёзиб беришди. Келишувга қўра пуллар С.Еникеев ва Ф.Жалилов ўртасида бўлиб олинади.

Фирибгарлар «қармоғи»га тушганларнинг навбатдагисини институтга ҳужжат топшириб, тест синовларидан етарли балл тўплай олмаган Нигора Амонованинг онаси Р.Сайпиллаева бўлди. С.Еникеев Ф.Жалилов орқали унга қизининг ҳужжатларини институтдан қайтариб олмаслигини, «супер контракт» асосида ўқишга киритишга ишонтириб, алдов йўли билан 500 минг сўм пулни қўлга киритадилар. Ф.Жалилов 2006 йилнинг август ойида Р.Сайпиллаевадан яна 500 минг сўм пулни фирибгарлик йўли билан олмишга муваффақ бўлади.

Жинойи гуруҳ «қармоғи»га илинганлар сафи тобора ортаверади. Қармана туманилик Асад Эгамовдан етарли балл тўплай олмаган ўғли Хўршид Эгамовни «супер контракт» асосида ўқишга киритишга ишонтириб, 1 млн. 200 минг сўм пулни, тест синовларидан ўтолмаган Олим Райимовнинг отаси Одил Райимовдан 600 минг сўм пулни олади.

Жинойи гуруҳнинг «ови» бароридан келиб, жуда кўплаб одамларни шу йўл билан алдаб келишди ва жами 29 млн. 805 минг 792 сўм пулларини фирибгарлик билан қўлга киритишди.

Бундан ташқари, С.Еникеев НДҚИ талабалари Х.Ирисова, Ф.Ирисовларнинг ўқиши учун контракт тўловини Навоий кон-металлургия комбинати ҳисобидан тўлатишга, НДҚИ битирувчиси Ш.Пардавини Россия Федерациясига олий таълим муассасаларига магистратура босқичида ўқишни давом эттиришда ёрдам беришга ишонтириб, уларнинг ота-оналари ва қариндошларидан 12 млн. 706 минг сўм пулларини қўлга киритади.

Қўза кунда эмас, кунда синди деганларидек, фирибгарларнинг ишга ҳам ниҳоят нуқта қўйилди. Суд С.Еникеев ва унинг шерикларини ЖЖИИ бир неча моддалари бўйича айбдор деб топиб, тегишлича жазога ҳукм қилди.

Баҳрулло ҚАЗАКОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Абдухаким ҲАСАНОВ,
журналист

Жосуснинг чин сўзи

5 февраль куни Хитой ҳукумати Тайван фойдасига жосуслик жинояти билан ҳукм қилинган журналист Чин Чонни чин сўзи учун озодликка чиқарди.

Бундан олдин маҳкумнинг оила аъзолари унинг соғлиги ёмонлашганлиги учун уни озод қилиш ҳақида бир неча бор мурожаат этганди, деб хабар беради Associated Press. Аммо Хитой ҳукуматининг таъкидлашича, Чин Чон белгиланган муддатнинг бир қисмини ўтаганлигини ҳисобга олиб, журналиста Хитой календари бўйича янги йилни уйда, ўз оила аъзолари билан бирга кутиб олиши учун имконият берган.

Чин Чон Сингапур The Straits Times газетасининг Гонг Конг ваколатхонасида ишлаган. У фаолияти давомида Хитой коммунистик партияси Марказий қўмитасининг собиқ бош секретари Чжао Цзин ҳақида материаллар тўплаб келган. Аммо 2005 йилнинг апрель ойида ҳибсага олиниб, 2006 йилнинг 31 августда Хитой махфий материалларини Тайванга берганликда айбланган ва 5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Журналистларни ҳимоя қилиш Нью Йорк қўмитасининг хабарига кўра, бугунги кунда Хитой қамқончаларида 29 нафар журналист жазо ўтамоқда. Мазкур кўрсаткич бўйича мамлакат дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.





«Пентагон» сотилади

Руанда ҳукумати халқ орасида «Пентагон» деб ном олган мамлакат Мудофаа вазирлиги биносини сотишга тайёрлигини билдирган. Бу фикрлар Руанда Президенти Пол Кагаменинг шу ҳақдаги баёнотида сўнг пайдо бўлди, дейди Allafrica.com.

Маълум бўлишича, бино жуда пухта ва замон талаблари асосида ҳамда мамлакат пойтахти Кагалида қурилганлиги боис, уни сотиб олиш учун жуда кўплаб халқаро ташкилотлардан таклифлар тушган. Жумладан, бундай талабгор-

лар ичида Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори, шунингдек, бу ерда ўз элчихонасини жойлаштириш истагидаги АҚШ ҳукумати ҳам бўлган. Аммо сотиш жараёни чўзилавергач, АҚШ бошқа элчихона қуриб битирган.

Руанда «Пентагон»нинг қурилиши 24 млн. АҚШ доллариغا тушган. Мамлакат Президенти Кагама, агар бинога яхши харидор топилса, сотувдан тушган пуллар харбий хизмат ўташ шартини яхшилашга сарфланишини билдирмоқда.



БИРИНЧИ КОСМИК МАРКАЗ

4 февраль куни Эрон биринчи космик марказининг очилиши бўлиб ўтди, дейди IRNA ахборот агентлиги. Эндиликда мамлакат мустақил равишда ўз сунъий йўлдошларини космосга учирish шарафига муваффақ бўлди.

Агентлиkning хабар беришича, яқин кунлардаёқ ер атрофи орбитасида учишга мослаштирилган Omid (Умид) номли илмий-текшириш сунъий йўлдоши фазога кўтарилади. Йўлдошни учирish 2008 йилнинг 20 мартига белгиланган.

Терминалнинг очилиш маросимида Эрон Президенти Махмуд Ахмадинежад ва мамлакатнинг бир қанча вазирлари ҳамда бошқа юқори мартабали раҳбарлари иштирок этган.

Эрон давлати лойиҳалаштириш технологиялари, ер орбитасига сунъий йўлдошларни яратиш ва чиқариш бўйича дунёда 11-ўринни эгаллади.

«Шереметьево-3» қачон битади?

Хабарингиз бор, Москва шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига яратилаётган қулайликларни янада кенгайтириш мақсадида 2005 йили 430 млн. АҚШ доллари баҳоланган «Шереметьево-3» аэропортининг қурилиши бошланган эди. Лойиҳага кўра, қурилиш ишлари 2007

йилда якунланиши керак бўлиб, қурилиш харажатларининг белгиланганидан ошиб кетганлиги аэропорт терминалини 2008 йилнинг охирига қадар узайтиришга тўғри келган, деб хабар беради аэропортининг қурилиш оператори «Терминал» ОАЖ. Лекин аэропорт 2008 йилнинг

охирини фойдаланишга топширилса-да, авиарейсларга 2009 йилнинг март ойидан рухсат берилади.


«Аэрофлот»нинг бош директори Валерий Окуловнинг сўзларига қараганда, Шереметьево аэропорти биргина 2007 йилда 14,4 млн. одамга хизмат кўрсат-

ган. Аэропортда ҳозирда учта — «Шереметьево-1» (1964 йилда қурилган), «Шереметьево-2» (1980 йилда қурилган) ва 2007 йилда очилган «С» терминаллари фаолият кўрсатмоқда. Шундан биргина «Шереметьево-2» фақат АҚШга бўладиган авиарейсларга хизмат кўрсатади.

Янги тез юрар поезд

Францияда соатига 360 км тезлик билан юрадиган янги AGV (Automotrice Grane Vitesse) поезде ишга туширилди. BBC News нинг хабар беришича, поезд Alstom француз компанияси томонидан яратилган.

Унинг бошқа поездлардан фарқи жиҳати шундаки, унда алоҳида локомотив бўлмай, двигатель ҳар бир вагоннинг ўзида жойлаштирилган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай шарт поездега йўловчиларни максимал даражада кўп олиш, шунингдек, унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш имконини беради.



Эслатиб ўтиш жоизки, тезлик жиҳатидан дунё рекорди бундан олдин яратилган TGV модификацияли поездега тегишли. 2007 йилнинг апрель ойида ушбу поезд соатига 574,8 км ни босиб ўтишга муваффақ бўлган.



Оппозицион журналист Гержиг Гоннадзенин ўлдирилгани тўғрисидаги ишни судда кўриш жараёнида иштирок этаётган айбловчи тараф айбдор — Николай Протасовни 14 йилга, Александр Поповични 13 йилга ва Валерий Костенкони 12 йилга озодликдан маҳрум этишни сўради.

Гоннадзенин турмуш ўртоғи Валентина Теличенконинг АОВга берган интервьюсида, 5 февраль куни бўлиб ўтган суд жараёни энди суд

Айбдорларга 12 дан 14 йилгача

музокараларига ўтганлигини билдирган. Прокурорнинг нутқидан кейин, ҳимоя қилувчи тарафнинг илтимоси билан суднинг бошқа иштирокчиларига ҳам ўз фикрлари билан музокараларда қатнашишлари учун энди суд жараёни 21 февралга қолдирилган.

Бунгача бўлиб ўтган жараёнда прокурорга қалар сўзга чиққан айбловчи Костенко айбига тўла иқдор бўлган, Попович ва Протасов эса қисман иқдорлигини билдирган. Улар Гоннадзенин ўлдиришда олинган тил бириктирмаганлиги, бундан ташқари Протасов жиноят содир этилиш вақтида мансабдор шахс бўлмаганлиги, чунки бу лойиҳа у таътилда бўлганлигини таъкидлаганлар. Аммо марҳум турмуш

ўртоғининг вакили судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум этишининг бироз бошқача муддатларини тайинлашни талаб қилишини айтмоқда.

Эслатиб ўтамай, «Украина ҳақиқати» интернет-нашрининг асосчиси Георгий Гонгадзе, 2000 йилнинг сентябрь ойида ўлдирилган эди. Оралан беш йил ўтиб, Украина Бош прокуратураси жиноят фош этилганлиги, ижрочилар эса Украина ИИВ ташқи кузатув ва криминал разведка Департаментининг собиқ ҳодимлари Николай Протасов, Александр Попович ва Валерий Костенко эканлигини эълон қилган. Туртинчи айбланувчи генерал Алексей Пукач эса ҳамон қидирувда.

«Yahoo» энди «Microsoft»ники бўладими?

Reuters берган ахборотга кўра, Microsoft корпорацияси Yahooни сотиб олиши учун ўз тарихида биринчи марта қарз олишга мажбур бўлмақда.

Microsoft корпорацияси молиявий директорининг сўзларига қараганда, корпорация ўзининг бўш турган 21 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi пуллари бу лойиҳага бутунлай сарфлаб юбормаслик учун қарз олишга қарор қилган. Бироқ у ҳозирча қарз миқдори сир бўлиб қолишини айтган.

Microsoft аслида Yahooни барча қимматли қоғозлари билан бирга 446 млрд. долларга сотиб олиши тўғрисида таклиф қилган. Қелишув шартларига кўра, Yahoo эгалари ўз акцияларини 31 млрд. долларга ёки Microsoftнинг 0,9509 акциясига алмаштириши мумкин. Бунда қелишувнинг факатгина ярми — 22 млрд. доллар миқдоридagi қисми молиялаштирилади, холос.

Microsoft корпорациясининг асосий конкуренти ҳисобланган Google



эса мазкур қелишув интернетнинг асосий тамойилларига — эркинлик ва янгилик олиб қелишга пуртаркази мумкинлигини билдирган.

ДАРОМАД РЕКОРДИ ҲАТТИНДА

AP информацион агентлигининг хабар беришича, 2007 йилда Exxon Mobil йирик нефт компанияси 40,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида соф даромад олишга муваффақ бўлган. Бу Америка нефт компаниялари тарихидagi энг йирик кўрсаткич бўлди. Мазкур компаниянинг ўтган йилги даромади 39,5 млрд. АҚШ доллари ташкил этганди.

Ундан кейинги ўринни эса Британиянинг Shell компанияси эгаллаган. Унинг йиллик даромади 13,9 млрд. фунт стерлинг (28 млрд. АҚШ доллари)ни ташкил этган.

Бундай кўрсаткичга эришишда албатта ўтган йилги нефт нархининг кўтарилиб кетиши жуда катта таъсир кўрсатган. Чунки, 2008 йилнинг 3 январида бир баррель нефтнинг баҳоси 100,09 долларга етиб, рекорд ўрнатилганди.



Унинг йиллик даромади 13,9 млрд. фунт стерлинг (28 млрд. АҚШ доллари)ни ташкил этган.

Мини банкомат



Blinger Nation оддий банкоматнинг барча хусусиятларига эга бўлиб, фақатгина нақд пул беришга қодир бўлмаган чўнтак банкоматини яратди, дея хабар беради Engadget ахборот агентлиги.

Смартфон каби ўлчамга эга бўлган мазкур банкомат банк карточкалари билан ишлашга мослаштирилган бўлиб, фойдаланувчи карточкани қўйиш билан ҳисобларнинг кетувини кузатиши, пуллари бир ҳисобдан бошқасига ўтказиши мумкин.

Банкомат батареяда ишлашга мослашган бўлиб, беш кун давомида заряд қилинмасдан ишлай олади.

Gadget Palасенинг таъкидлашича, банкоматнинг нархи атиги 100 АҚШ доллари бўлиб, мосламадан фойдаланганлик учун абонент тўлови ундирилади. Бошқа томондан қараганда бундай банкомат смартфонлардан ишлай оладиган мобил банк ўтказмаларидан унчалик катта фарқ қилмайди.

Ипотека кўни

Россияда йил давомида нишонлангани байрамлар жуда ҳам кўп. Эндиликда ана шу байрамлар сонини яна биттага ортадиган бўлди. Сабаби, РФ банклар кенгаши, қурилиш фондлари халқаро ассоциацияси ва кўчмас мулк ҳамда ипотека бозори миллий ассоциациясининг ҳукуматга қилган таклифи маъқулланиб, ҳар йилнинг 16 июль куни Россияда «Ипотека кўни» байрам сифатида кенг

нишонлангани бўлди. Бу куннинг танланиши бежиз эмас. Чунки 2008 йилнинг 16 июль куни «Ипотека тўғрисидаги қўчмас мулк кафолати»-ги қонуннинг Россия давлат Думаси томонидан қабул қилинганга роппа-роса унинг йўлда. Утган давр мобайнида ипотека кредити ёрдамида бир миллиондан ортиқ Россия фуқаролари уй-жойли бўлиш имконига эга бўлди.

Қонуннинг амалга ошириш босқичида турар-жой ипотека кредитлашининг ривожлантирилиши ва қўшимча молиялаш концепциялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Ипотека кредити қилинганга роппа-роса унинг йўлда. Утган давр мобайнида ипотека кредити ёрдамида бир миллиондан ортиқ Россия фуқаролари уй-жойли бўлиш имконига эга бўлди.

Тузатиш

«Huquq» газетасининг 2008 йил 5-сонида чоп этилган «Прокуратура — ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоячиси» мақоласи учинчи хатбосидаги «2007 йилда Хоразм вилоят прокуратураси» жумласи «2007 йилда Сурхондарё вилоят прокуратураси» тарзида тузатиб ўқилсин.

«Internet» хабарлари асосида Дониёр ХАЛИЛОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Шариф ХУРРАМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик изҳор қилади.

(Давоми. Бошлангичи ўтган сонларда).
Тушунарли, бундан бошқа гап олиб бўлмайди. Уйига жавоб беришга мажбуримиз. Яна биронтаянги ҳолат аниқланиса, кейинқайта сўроққа чақирармиз. Олдимидаги саволлар рўйхатиغا қарайман. Ҳаммаси берилган, ҳаммаси илгидан-илгисигагача қайта-қайта сўралди.

— Ҳа, боя, дори ичиб ётдим деди. Дорини қаердан олган экан? Сўраш шартмикин?
Шундай бўлса-да саволга тута-ман.

— Қанақа дори ичдингиз? Қаердан олдингиз?

— Аёл бир уф тортганча дона-дона қилиб, зарда билан жавоб беради.

— Цит-ро-мон. Уйдақолмаган экан, Ботир аптақадан олиб келиб берди.

— Ким у, Ботир?
— Булажак куёвим. Шу йил ёзда катта қизимга унаштирилганди. Шароитимиз тўғри келмагани учун тўй қилолмаганимиз. Йил охиригача тўй қиламиз деган ниятимиз бор.

— Ботир булажак куёвингиз бўлса, у кечаси соат 11 да сизникида нима қилиб юрибди? Қаерда яшайди, ота-онаси нима иш қилишади?

— Унинг отаси ҳам, онаси ҳам йўқ. Отаси ажралиб кетган, онасини ўзининг почаси пичоқлаб ўлдирган. Ҳозир отаси билан 5-миттигуманда яшайди. Ўзи шунчаки келиб қолди, эҳтимол қизим билан «свидание»га келгандир. Мен унга бошим оғрияпти, дори олиб келиб бер дедим. Олиб келди, хўш бунинг нимаси ёмон?

— Йўқ, биз ҳам бу ерда ҳеч қанақа ёмон нарсани кўраётганимиз йўқ. Шунчаки сўраяпмиз, холос. Ботирнинг машинаси борми?

— Уф. Машина нима қилади, ҳеч қаерда ишламайди-ку! Опасига бозорда ёрдамлашиб юриади. Ўша кечаси қандайдир велосипед миниб юрган экан. Велосипеди билан шартта аптекага бориб, дори олиб келиб берди. Кейин уйига кетди.

— Аста-секин машина ҳам олади-да. Мана велосипеди бор экан-ку, — гапни айлантираман, аммо аёл индамайди. Унга ҳозирча уйига кетиши мумкинлиги, керак бўлса чақиримизни айтиб жавоб берамиз.

— Хўш, бугунга режалаштирилган яна нима иш қолди? Ҳаммаси бажарилди, лекин натижа йўқ. Сўроқ қилишга чақирилганлардан яна ким қолди деб сўрайман. Тергов гуруҳи аъзоси бўлган терговчи жавоб беради:

— Бояги аёлнинг куёви Ботир қолди. Уни мен сўроқ қилдим. Ҳеч нарсани билмайди. Унга ҳам уйига жавоб берсамми деб турган эдим.

— Ҳа, агар ҳеч нарсани билмаса уйига албатта жавоб бериш керак.
— Айтгандай, булажак куёв булажак қайнонасига дори олиб келиб берганини сизга айтдимини, — терговчидан сўрайман.

— Йўқ, бу менга номаълум эди.
— Қани чақиринг-чи. Барибир қиладиган бошқа иш ҳам йўқ.

— Хонага узун бўйли, бакуват, ёши 22 ларда бўлган йигит киради.

— Қайнонаг ўша кечаси сени бирон жойга жўнатдимми?

— Ҳа, бошим оғрияпти дегани учун аптақадан «цитромон» олиб келиб бердим.

— Нима билан бориб келдинг?
— Узим, пиеда.

— Пиеда? Булажак қайнонаг велосипедда бориб келди деди-ку?

— Ҳа, тўғри, — у бир оз довдирганча тасдиқлайди, — велосипедда бориб олиб келдим, шошиб қолганимдан адашган эканман.

— Нимага адашсан? Велосипеднинг номи нима, маркаси қандай?

— Шунча велосипедда. Велосипеднинг номи, маркаси ҳам бўлади-ми?

— Нега бўлмайди? Қаердан сотилиб олган эдинг?
— Меники эмас. Бир танишимники олиб миниб келган эдим.

— Танишинг қаерда туради?
— Кўчасининг анги номини билмайман, эски Жуковский. Уйининг ҳам рақамини билмайман. Оти Жасур.

— Нега велосипедда келдинг?
— Нега бўларди? Такси қиммат.

— Бир Дилноза билан учрашиб келай деб келгандим. Ота-онаси узокроққа урчушувга қўймайди.

— Илгарилари ҳам велосипедда келардингми?
— Йигит бир оз ўйлаиб жавоб берди:

— Ҳа, кечаси соат 10 ларда Ботир келиб велосипедни сўради ва эрталаб олиб келиб берди. Велосипедни нима қиласан дегандим, нималигини айтмади, мен ҳам майдалаб сўраб ўтирмай бериб юбордим.

— Нега эрталаб олиб келди? Фойдаланиб ўша кечасиёқ қайтариб олиб

нинг уйи бошқа-бошқа томонда. У кўчага бориб велосипед олиб келгандан кўра Ботирнинг опасининг уйдан пиёда келган яқинроқ.

— Тезда велосипед эгасини топиш керак. Эҳтимол бирон ҳолат аниқланар.

— Велосипед эгаси ҳам бу ҳолатни тасдиқлади:

— Ҳа, кечаси соат 10 ларда Ботир келиб велосипедни сўради ва эрталаб олиб келиб берди. Велосипедни нима қиласан дегандим, нималигини айтмади, мен ҳам майдалаб сўраб ўтирмай бериб юбордим.

— Нега эрталаб олиб келди? Фойдаланиб ўша кечасиёқ қайтариб олиб

— Ҳа, аввал ҳам ёлғиз ўтираве-рарди, ўзи 6-синфда ўқийди. Ўша кунинимадандир кўрқибди, биз сўрасак ҳам айтмади.

— Қани, чақиринг-чи.
— Хонага орик, бўйчан, қорачадан келган ўсмир кириб келади. Исми Тўхтасин. Унинг нимагадир лабларидан қандайдир дончалар.

— Бунинг оғзига нима қилган?
— Айтдим-ку сизга ўша кунни кўрқибди деб. Эртасига оғзидан учқучикиб кетди.

— Бу ерда бир гап бор! Болакайга савол бера бошлаймиз. У фақат ерга қараб, саволларга истар-истамас жавоб беради.

— Кечадан олдинги кунни кечаси нимадан кўрдингиз?
— Болакай бироз жим туриб бошини иргайди:

— Ҳеч нарсадан.
— Нега унда ота-онангга кўрдингиз деб айтдинг?
— Бола яна индамайди.

— Бунга айтмагансизларми, мабодо кўрқсанг фа-ллон акангга ёки опангга

ҳеч ким келгани йўқ.
— Барибир жойига бориб кўриш керак. Ҳар ҳолда биз шубҳаланмаётган Азиза ва Ботир у ерга бориб туришган ва ўша кечаси бу ҳовлида боладан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Бундан ташқари Самарқандга кетишгаётганини ўша кунни кўрибди улар Ботирга телефон қилиб айтишган. Бўм-бўш ҳовли, ҳеч ким ҳалақат қилмайди.

— Ҳаммамиз туриб ҳовлига жўнай-миз. Ўзимиз билан бирга Ботирни ҳам олаемиз, чунки хонанинг қалити унда.

— Торгина ҳовли. Дарвозаси ҳам йўқ. Бир табақалик каттақон эшик орқали кирилади. Эр-хотинлар киришда ўнг томондаги бир даҳлиз бир уйда яшади. Уларнинг уйига туташ бошқа хонага эса ҳовли орқали кирилади. Аммо бу уй қулфланган. Телефон сими ҳам шу хона орқали ўтган.

— Ботирга хона эшигини очиниши сўраймиз. У чўнтагидан қалитни олиб эшикни очинишга ҳаракат қилади, аммо кўли нимагадир қалтираб очолмайди. Ниҳоят очиб ичкарига кирамиз. Хонага киришда ўнг томонда шифонёр, чап томонда икки тахлам кўрпа ва кўрпачалар бор. Улардан биттасининг устида қойиб бор, иккинчисиде йўқ. Аммо бу чойшабнинг ранги, кўриниши, гуллари маркума ўралган чойшаб билан бир жил.

— Ботирга савол берамиз:
— Бу кўрпа тахланининг устидаги чойшаб қани?

— Ботир довдирлаганча жавоб беради:

— Аввалдан йўқ эди.
— Гапга уй эгасининг хотини аראлашади:

— Йўқ, Ботиржон, бор эди. Бир марта бу уйни тозалаганимда худди шундай бир хил чойшаб икки тахланининг устига ҳам ёпиб қўйилганди. Тагин уйга ўғри кирган бўлмасин...

— Хонанинг нариги бурчагидан жинҳоят қидирув ходимининг овози эшитилади:

— Мана бу ёққа қарангизлар, телефон сими узилган, тахминан 2 метрдан кўпроги йўқ.

— Эътибор қиламиз, узилган сим билан мурдадан топилаган сим айнан бир-бирига ўшаш. Тасодифми ёки?

— Кўрпачаларни кўтариб қараймиз. Уларнинг тагидан сарғиш-қизғиш соч қистирчиг топилади, айнан Нигораникига ўхшаб.

— Бирдан жинҳоят қидирув ходимларига жон киради ва менга мурожаат қилишади.

— Уртқ бошлик, рухсат беринг, биттамаиз мана бу бола билан, иккинчисини мана бу Ботиржон — булажак куёв билан милиция бўлимига бориб б-ш-н-р гаплашайлик. «Шесть» секундда ҳамма нарса аниқ бўлади. Бу туришда жинҳоят очилмайди.

— Буни мен ҳам тушунаман, аммо синаш учун Ботирга юзланаман.

— Нега энди? Ботир ўзи тушунадиган лигитга ўхшайди, ҳамма нарса аниқ, бизни қўймамасдан ҳозир кўр тўғриси айтса, биз ҳам уни қинаб ўтирмаймиз. Шундай эмасми, Ботирова?

— Ботир эса индамай ерга қарайди. Қачон ва нега телефон сими узилган каби саволларга у энди фақат «билмайман» деб жавоб беришга ўтди. Лекин унинг бирдан кўрқув ва тушқун ҳолатга тушгани кўриниб турибди. У бунчалик тез жинҳоят жойи аниқладан деб ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Агар шу жойда қотилиб бўлган бўлса!

— Лекин ундан ҳозир гап олиш қийин. Яхшиси боланинг ота-онаси билан гаплашиб керак.

— Шунинг учун боланинг ота-онасини чақириб, бу ерда қотилиб бўлганлигини тушунтирамиз.

(Давоми келгуси сонда).

Сафар КАТТАБОЕВ



ДЁЛ ИЗИ

ради:
— Йўқ, биринчи марта.

— Соат нечада бориб Жасурдан велосипедни олдинг?
— Кечаси 10 ларда.

— Нимага энди кечаси 10 га келиб, Дилнозаникига келиш ёндоғга тушиб қолди.

— Бозордан кеч чикдик, уйга келиб чой-пой ичдим, ювиндим. Унгача соат 10 бўлди.

— Дилнозаникидан соат нечада кетдинг? Велосипедни нима қилдинг?
— Дилнозаникидан кечаси соат 11 дан сўнг тўғри опаникига кетдим, велосипедни у кишиникига қўйиб, ўзиб ҳам ётиб ухладим. Эртасига велосипедни Жасурга олиб бориб бердим.

— Бундай зерикарли савол-жавоб ҳаммамизнинг хонига тегади. Аммо йигитнинг бир неча бор адашгани, аввал пиёда кейин велосипедда аптекага бориб келдим дейиши қандайдир шубҳа уйғотади. Шунинг учун унга ташқарида кўтиб туришни айтиб, ўзимиз ҳозиргача аниқланган ҳолатларни муҳокама қиламиз.

— Бу йигитнинг гапи негадир ишонсиз. Ўзи ҳам довдирроқ экани кўриниб турибди. Бундайларга мана шундай қилиш керак деса бўлди, хўп деб бажараверади, кўп ҳам фарқижа бормайди. Унинг велосипед олдим деб айтаётган кўчаси билан Азиза-

келиб бериши мумкин эди-ку?
— Билмасам, агар кеч қайтсам ҳовлига қўйиб қўяман, эртага олиб келолмасам, ҳовлида одам бўлади олиб кетаверасан деган эди, мен ҳам майли дедим.

— Қанақа ҳовли?
— Ботирларнинг ҳовлиси. Биздан бир кўча нарида туради. Ҳозир у ерга бир эр-хотинни ижарага қўйган, ўзи опаси билан «дом»да туради. Менга Ботир ҳовлимиздан келаятман деганди.

— А-ҳа! Демак Ботирнинг ҳовлиси ҳам бор. Ҳовли билан қизикмишга тўғри келади. Чунки бу ҳовли Нигоранинг жасади чқариб ташланган жойдан бор-йўғи икки ёки уч кўча нарида.

— Дарҳол ўша ҳовлида ижарада яшовчи эр-хотинларни сўроқ қилишни бошлаймиз.

— Кечадан олдинги кунни кечкурун қаерда эдингизлар?
— Биз эски бозорда картошка-пиёз билан савдо қиламиз. Кечадан олдинги кунни бир машинани ижара қилиб, Самарқандга «клиент»ларимизни киришга кетгандик, уйда ўғлимиз қолган эди. Кечаси соат 11 яримларда майда-чўйда олиб қайтиб келдик. Келсак, ўғлимиз ухламай кўрқиб бизни кўтиб турган экан.

— Нега кўрқиди? Ёши нечада?
— Аввал ҳам келини ёлғиз ташлаб кетармидингизлар?

— телефон қил деб, ахир уйларингда телефонларинг бор экан-ку!
— Айтган эдик, мабодо бизлар келмай қолсак, кўрқсанг Тўра акангга телефон қил, келиб сени уйига олиб кетади деганмиз.

— Хўш, ота-онанг айтган экан, кўрқибсан нега телефон қилмадинг?
— Яна болакайга савол берамиз. — Телефонларинг ишлайдими ўзи?

— Ишлайди, ишлайди, — унинг ўрнига яна баробар жавоб беришди эр-хотин, — лекин ўша кундан бери ишламаяпти. Сим биз яшайдиган хонада ҳеч қаердан узилмаган. Телефон идорасига айтсак, сим узилган дейди. Бизнинг хонага телефон сими қўшни хонадан ўтиб келган, у хонанинг қалити Ботирда. Уни милиция олиб кетибди дегани учун ундан сўрай олганимиз йўқ.

— Симнинг ранги қанақа?
— Ингичка, қора.

— Йўқ, бу ерда бир гап бор. Нега болакай ўз-ўзидан кўрқадими ва сабабини ота-онасига айтмайдими? Нега ишлаб турган телефон ўша кечасида бошлаб ишламай қолди? Ахир мурда айнан телефон сими га боланган-ку! Лекин уй эгалари ва бу болакай ҳеч қачон Нигорани кўрмаган ва у ҳақда эшитмаган ҳам. Аммо Азиза билан Ботир ҳовлидан хабар олиш учун келини туришди. Лекин Тўхтасиннинг айтишича, ўша кечаси

Huquq
yuridik gazeta

To'rsich:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATJOYEV,
Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahoo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahariyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.
Buyurtma № — 155. 27905 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nashrbatchi muharriri: Z.MAMADALIYEV
Mushohidchi: A.MUSTAFOYEVA
Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaning topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda